

ИКТ И СОДАЖИЊТ ВА ТАТБАШИ



4

2004

новых прогрессивных форм ведения сельскохозяйственного производства (аренда, фермерское хозяйство).

Комплексный анализ состояния социальных показателей региона (в сравнении с аналогичными показателями по республике и областям) позволяет сформировать и определить основные социальные требования и ограничения на развитие экономического потенциала АЦ с позиции решения социальных вопросов.

Экономический критерий изучения экологических мероприятий в настоящее время определяется традиционным подходом: «затраты - прибыль». С его помощью оцениваются мероприятия, проводимые с целью сохранения окружающей среды на основе критерия их экономической эффективности. Этот подход критикуется прежде всего за то, что при его применении могут иметь место манипулирование подсчетами, недооценивающими долгосрочные затраты, а также за то, что не учитывается весь спектр воздействий на экосистемы.

По отношению к природе (территория, недра, вода, воздух и т.д.), как показывает опыт прошедших десятилетий, в нашей республике сформировалось устойчивое понимание «ничейности». Ликвидировать такое нежелательное социальное явление по отношению к источнику, обеспечивающему жизнедеятельность человека, можно, помимо прочего, экономическим адресным воздействием на конкретный субъект, создающий загрязнение среды. Обезличенные штрафы - перемещение государственных средств в «ничейной» сфере - себя зачастую не оправдывали.

В условиях развития рыночных отношений роль экономических методов воздействия на поведение хозяйственных систем должна возрасти. Разработка экономических стимулов за рациональное использование ресурсов, в том числе отходов, и жестких налоговых мер и штрафных санкций за создание загрязнения позволяет снижать экологические последствия развития экономического потенциала АЦ.

**А. Абдугафаров,
Д. Расулев**

Тижорат банклари даромадлигини оширишни моделлаштириш

Ҳозирги пайтда банк тизимини ривожлантириш ва иқтисодий жиҳатдан юксалтириш учун кредит муносабатларини барқарорлаштиришга эришиш жуда муҳимдир. Қўйилмаларни жалб этиш ва банк ресурсларидан унумли фойдаланиш банк ликвидлиги ва даромадлигини барқарорлаштиришга йўналтирилмоғи лозим. Тижорат банклари фаолиятида актив ва пассивларни бошқариш асосий муаммолардан ҳисобланади. Анъанавий тарзда актив ва пассивларни бошқариш банкнинг актив ва пассив операцияларини бошқаришга бўлинади.

Банкнинг актив операцияларини бошқариш ўз олдига иккита, биргалиқда ечиладиган масалани қўяди - банк баланси ликвидлигига риоя қилган ҳолда унинг фойдалигини таъминлаш. Бунинг учун эса молиявий бозор ва банкларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилган ҳолда, активлар таркибига ўзгартиришлар киритиш зарур. Иккинчи томондан эса, пассивларни бошқаришда тижорат банкларига даромад келтирмайдиган воситаларни камайтириш ва шунингдек «арзон» ресурсларни жалб этиш

билан банкни маблағ билан таъминлаш кўзда тутилади. Бир вақтнинг ўзида юқорида келтирилган иккала масалани, яъни активлар ва пасивларни мақбул тарзда бошқариш муҳим масалалардан ҳисобланади. Тижорат банкларининг актив операцияларидан оладиган даромадлари бир-биридан анча фарқ қилади.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари тармоғини кенгайтириш улар ўртасида депозитлар, банклараро кредит ва бошқа ресурсларни жалб этиш учун рақобатни юзага келтиради. Тижорат банкларидан Савдогарбанк, Саноатқурилишбанк, Уйжойжамғарма-банк даромадлари таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг берилган кредитларидан келган даромадлари 84,44дан 99,48гача, бошқа банкларга берилган маблағлардан олган даромадлари 0,22 дан 1,04% гача қимматли қоғозлар билан операциялардан даромадлари 5,58 дан 6,24% гача ва бошқа фоизли даромадлари 0,03 дан 12,72% гача ташкил этар экан.

Бошқа тижорат банкларининг даромадлари таркиби маълумотларини таҳлил қилсак, улар орасидаги фарқ яна ҳам кўпроқлиги яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам тижорат банкларининг умумий даромадлигини ошириш муҳимдир. Ушбу масалани ҳал қилишда чизиқли дастурлаштириш усуллари ва компьютер дастурларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қуйида келтирилган иқтисодий-математик модел тижорат банкларининг ликвидликларини ҳисобга олган ҳолда умумий олинадиган даромадини кўпайтириш масаласини ечишга йўналтирилган.

Тижорат банкларининг оладиган умумий даромадларини максималлаштирадиган ҳар бир банк (i) учун шундай активлар (j) таркибини аниқлаш керакки, яъни шундай X_{ij} ларни топиш керакки,

$$F(X_{ij}) = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n C_{ij} X_{ij} \quad (1)$$

максимумга эга бўлиб, қуйидаги шартлар бажарилсин:

1. Тижорат банклари активлари турлари йиғиндиси маблағлар турлари бўйича бўлган талабларга мос келсин.

$$\sum_{i=1}^m X_{ij} \geq T_j, j = 1, 2, \dots, n \quad (2)$$

2. Активлар турлари бўйича талаб қилинган ликвидлик нормалари бажарилсин.

$$a_{ij} x_{ij} \geq L_j, j = 1, 2, \dots, n \quad (3)$$

$$i = 1, 2, \dots, m$$

3. Ҳар бир банкдан ажратиладиган кредитлар турлари йиғиндиси банк активи ҳажмига тенг бўлсин.

$$\sum_{j=1}^n X_{ij} = A_i, i = 1, 2, \dots, m \quad (4)$$

4. Ажратиладиган кредитлар миқдорлари мусбат қийматга эга бўлиши керак.

$$X_{ij} \geq 0, i = 1, 2, \dots, m; j = 1, 2, \dots, n \quad (5)$$

Бу ерда: i - тижорат банк; j - берилган кредитлар турлари; C_{ij} - i - тижорат банкининг j - кредит тури бўйича даромадлиги; X_{ij} - i - тижорат банкининг j - кредит тури бўйича ажратадиган кредит миқдори; T_j - j - тур маблағига бўлган талаб; A_j - i - тижорат банкининг j - кредит тури бўйича ликвидлик коэффициенти; L_j - j - кредит тури бўйича ўрнатилган ликвидлик нормаси; A_i - i - тижорат банкининг актив ҳажми.

Шундай қилиб, тижорат банклари даромадларини ошириш масаласи (2)-(5) шартларни бажарадиган (1) мақсад функцияси максимумини топадиган чизикли дастурлаштириш масаласига келтирилди.

Тижорат банкларининг актив операцияларига банк томонидан максимал даражада фойда олиш мақсадида маблағларни жойлаштириш, кредит бериш, қимматли қоғозларни сотиб олиш, хўжалик субъектларининг капиталида иштирок этиш, траст, факторинг, форфейтинг, лизинг хизмати кўрсатиш ва шу кабилар киради. Ушбу хизматлар орасида ҳажми бўйича даромадлиликнинг асосий миқдорини банк кредитлари ташкил қилади. Лекин, шу нарса ҳам маълумки, тижорат банкларига юқори даромад келтирувчи операцияларнинг хатарлилик даражаси ҳам юқоридир. Бундан ташқари хатарлилик ва ликвидлик ўзаро бир-бирига зиддир. Шу сабабли тижорат банклари максимал фойда олиш мақсадида юқори ликвидлик даражасига эришишлари лозимдир.

Банк кредитларни турли соҳалар ва минтақалар бўйича зарурий равишда тақсимлашни йўлга қўйиш ва шу билан бирга улар бўйича хатарлиликни камайтириш ва тижорат банклари даромадлигини ошириш йўллари излаши зарурдир. Бунда банк кредитлари турларининг минтақалар (вилоятлар) бўйича даромадликлари ва хатарликларини оптималлаштириш масаласи асосий мезон бўлиб, қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$C = \sum_{i=1}^m C_i \sum_{j=1}^n X_{ij} - \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n r_{ij} x_{ij} \quad (6)$$

Қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

1. Минтақалар бўйича маблағлар турлари йиғиндиси активлар турларига қўйиладиган шартга мос келсин.

$$\sum_{j=1}^n X_{ij} \leq H_i, i = 1, 2, \dots, m \quad (7)$$

2. Активлар турлари бўйича талаб қилинган ликвидлик нормалари бажарилсин.

$$a_i x_{ij} \geq L_j, i = 1, 2, \dots, m; j = 1, 2, \dots, n \quad (8)$$

3. Минтақаларга ажратилган барча турдаги кредитлар йиғиндиси банк активига тенг бўлсин.

$$\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n X_{ij} = A \quad (9)$$

4. Ажратиладиган кредитлар миқдорлари мусбат қийматга эга бўлсин.

Бу ерда: C - мақсад функцияси, i - ажратиладиган кредитлар турлари, j - минтақалар (вилоятлар) рақами, C_i - i - кредит тури бўйича даромадлилик даражаси (фоиз ставкаси), A_i - i - кредит бўйича банкнинг ликвидлик даражаси, R_{ij} - i - кредит тури бўйича j - минтақада хатарлилик даражаси, X_{ij} - i - тури бўйича j - минтақага ажратиладиган кредит миқдори, L_j - j - кредит тури бўйича ликвидлик нормаси; H_i -активлар турига Марказий банк томонидан

ликвидлик нормаси; H_1 -активлар турига Марказий банк томонидан кўйиладиган шарт, m - ажратиладиган кредитлар турлари сони, n - минтақалар сони.

Мақсад функциясидаги биринчи йиғинди банкнинг кредитлашдан оладиган даромади, иккинчи йиғинди эса хатарлилик даражасини кўрсатади. Худди шунинг учун ҳам банк оладиган даромадидан унинг хатарлилик даражасини айирган миқдорни (агар унинг қиймати мусбат бўлса) хатарсиз олинадиган даромад деб аташ мумкин. Мақсад функциясининг манфий қиймати кредитлаштириш вариантыниг юқори хатарли эканлигини кўрсатади.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан ва бу масалага билдирилган илмий қарашлардан куйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳозирги пайтда банк тизимини ривожлантириш учун кредит муносабатларини барқарорлаштиришга эришиш долзарб масалалардан биридир ва уни йўлга қўйиш бозор иқтисодиёти шароитида албатта ҳисобга олиниши.

2. Тижорат банклари даромадлигини оширишда бир вақтнинг ўзида активлар ва пассивларни мақбул тарзда бошқариш муҳим масала ҳисобланиб, уни ҳал қилишда банкни эришган ликвидлик даражасини сақлаган ҳолда активларни оптимал таркибини аниқлаш моделидан фойдаланиш.

3. Банк кредитлари турли соҳалар ва минтақалар бўйича хатарлилик даражаси турлича бўлганлиги сабабли, уларни баҳолашда хатарсиз даромадни топиш моделидан фойдаланиш лозим бўлади.

Доц. Д. Туляганова

Улучшение основных направлений государственного регулирования трансформации ресурсного потенциала НХК «Узбекнефтегаз»

За годы независимости в Республике Узбекистан проделана большая работа по разгосударствлению и приватизации государственной собственности, в результате которой в настоящее время в нашей стране функционирует около 4,5 тыс. АО. Несмотря на то, что мировая практика доказала высокую эффективность корпоративной формы собственности, масштабы акционированных предприятий в Республике Узбекистан недостаточны. Медленные темпы внедрения корпоративного управления в практику управления деятельностью акционерных предприятий обусловлены трудностями переходного периода, присущими любой прогрессивной форме хозяйствования, в связи с чем возникла необходимость их исследования и преодоления.

Это, в первую очередь, связано со слабым институциональным и функциональным обеспечением процесса формирования акционерной собственности, в результате чего до сих пор условия деятельности акционерных предприятий существенно отличаются от условий функционирования унитарных государственных, совместных или частных предприятий.

На качестве корпоративного управления деятельностью акционерных предприятий отрицательно сказывается несбалансированности развития различных сегментов фондового рынка Узбекистана. Тем более низкая эффективность и более высокая рискованность операций ценными бумагами корпоративных структур по сравнению с государственными долговыми